

1-1-2019

ANALYSIS OF SUPPLY SOURCES OF FINANCIAL INVESTMENT ACTIVITIES

B.K. Tuhliyev

Samarkand Veterinary Medicine Institute, Uzbekistan, Samarkand city, M.Ulugbek 77, Tukhlievb@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

Recommended Citation

Tuhliyev, B.K. (2019) "ANALYSIS OF SUPPLY SOURCES OF FINANCIAL INVESTMENT ACTIVITIES,"
Economics and Innovative Technologies: Vol. 2019 : No. 1 , Article 5.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2019/iss1/5>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ МОЛИЯВИЙ ЖИХАТДАН ТАЪМИНЛОВЧИ МАНБАЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Тухлиев Бозор Каримович,
ТДИУ доценти, и.ф.н.
E-mail: Tukhlievb@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада ҳозирги шароитда инвестицияларни молиялаштириш манбалари, молиялаштириш манбаларини шакллантиришнинг алоҳида ўзига хос хусусиятлари бўйича ўрганишлар асосидаги муҳокама ва хулосалар шакллантирилган.

Аннотация: В данной статье изучены и даны специфические черты по анализу финансирования инвестиционная деятельности и источники формирования финансирования.

Abstract: In this article, the sources of investment funds and specific features of financial sources are discussed and given overall conclusions with current scientific analyses.

Калит сўзлар: инвестиция, инновация, ялпи ички маҳсулот, инвестор, инвестицион фаолият, инвестицияларни молиялаштириш.

Кириш

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётининг реал тармоқларини бозор муносабатлари асосида ташкил қилиш босқич ва жараёнларида хўжалик юриштирининг турли мулкчилик шаклларидаги ташкилий-ҳуқуқий субъектлари ривожланиб, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) қийматида давлат мулкчининг салмоғи камайиш, нодавлат сектори улуши эса ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Натижада, ЯИМ қийматида даромадлар таркиби ўзгариб, капитал маблағларнинг марказлашган тақсимотидан инвестициянинг бозор шаклларига ўтиш жараёнига нодавлат корхона ва ташкилотларини, шунингдек хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри инвестицион фаолиятларга кенгроқ жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратмоқда. Бунинг самараси ўлароқ Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицион фаолиятни тобора фаоллаштиришда давлатнинг бевосита инвестор сифатидаги роли ва ўрни камайиб, хусусий инвесторларнинг тараққий этиб боришида кузатиш мумкин. Бу эса ўз навбатида янги институционал тузилмаларнинг пайдо бўлиши, инвестицион инфратузилма субъектлари, яъни тижорат банклари, махсус молия-кредит инвестиция институтлари кабиларнинг шаклланиши билан ифодаланади.

Иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш ва ундан самарали фойдаланиш энг муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этувчи категориядир. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, мамлакатимиз Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг қуйидаги: “Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор – инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгилаш ҳам бўлмайди”[1], деган фикрлари нақадар ҳақиқат эканлиги ўз тасдиғини топмоқда.

Инвестициялар, том маънода, иқтисодиётнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш суръатлари ва кўламини кенгайтиришга, илмий-техника тараққиётини юксалтиришга ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга катта ҳисса қўшади.

Шу боис иқтисодиётдаги мавжуд институционал ўзгаришлар, ишлаб чиқариш кучларининг рационал жойлаштирилиши ва ривожланиши, бошқа омиллар билан бир қаторда, республикадаги мавжуд инвестицион сиёсатга боғлиқ бўлади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёв томонидан ривожланишнинг узоқ муддатга мўлжалланган концепциялари ишлаб чиқирилиши, бу борада биринчи қадам сифатида Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари қабул қилиниб, мазкур дастурларни молиялаштириш фонди ташкил этилиши таъкидланди. Бунда иқтисодиётни ривожлантиришда аҳоли қўлида тўпланган маблағларни инвестиция шаклида ҳаракатга келтириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини кучайтириш муҳим вазифаларимиздан бири эканлиги эътироф этилди [2].

Кўпчилик муаллифлар инвестициялар деб капитални қайта ишлаб чиқаришга, уни сақлаб туришга ҳамда кенгайтиришга сарфланган пул маблағларини тушунади. Шунга яқин тушунчани Ўзбекистонлик олимлар ҳам қўллаб-қувватлайдилар. Д.Ғозибековнинг фикрича «Инвестициялар умуман капиталнинг ҳозирги қийматини сақлаш ва бу қийматнинг жамғармаларини кўпайтириш мақсадида капиталга айлантириш пайида бўлади. Шу сабабли, улар шу вақт оралиғида истеъмол қилинмайди ва муайян муддатга аниқ объект ва жараёнларга бириктирилади, уларда банд қилинади, бунда улар аниқ ва аниқ бўлмаган хатарларга дуч келади»[3].

Рус тилида чоп этилган айрим иқтисодий адабиётларда инвестициялар – бу пул маблағлари сарфлари бўлиб, даромадни истеъмолга эмас, балки келажакда янада юқорида даромад ёки ижтимоий самара топишдан иборат бўлган жами ижтимоий ёки яқка капитални такрор ҳосил қилиш учун фойдаланиладиган деб тушунилади[4].

Айрим адабиётларда ишлаб чиқаришни, тадбиркорликни ривожлантириш, фойда олиш ёки бошқа пировард натижалар олиш мақсадларида турли тармоқлар, инвестицион лойиҳаларга молиявий, мулкӣ ва интеллектуал неъматлар қўйилмаларининг жами турини инвестициялар деб аталади [5].

Ушбу муаллифларнинг фикрича, инвестициялар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ёки уни янгилашга, яъни реал капитални оширишга сарфланган ресурслар ҳисобланади.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, инвестициялар нафақат реал капитални оширишга сарфланадиган ресурслардир, ушбу ресурслар моддий, номоддий активларга, қимматли қоғозларни сотиб олишга ҳам сарфланади. Инвестициялар келажакда фойда яратиш мақсадида иқтисодий ресурсларни узоқ муддатга ишлатиш деб ҳам тушунилади[6]. Яъни, капитални капитализациялаш ва жамғармаларни яратиш мақсадида пировард мақсадга етишгача молиявий ресурсларни банд қилиш инвестициялар деб аталади[7].

Ўзбекистонлик олимлар: «Инвестиция – бу мулк шаклидан қатъи назар тадбиркорлик асосида фаолият юритаётган жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий самара олиш мақсадида ўз ихтиёридаги молиявий, моддий ва интеллектуал бойликларини қонун доирасида бўлган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сарфлашидир»[8].

Фикримизча, юқорида келтирилган муаллифларнинг «Инвестиция» тушунчасига берган таърифлари ҳозирги шароитга ва бозор иқтисодиёти талабларига мос келади.

Барча таърифлар инвестициянинг иқтисодий мазмунини очиб берган. Лекин шуни ҳам айтиш лозимки, профессор А.Улмасовнинг таъкидлашича инвестициялар фақат ишлаб чиқариш соҳасига қўйиладиган маблағларни ҳисобга олади.

Шу ўринда инвестицион фаолиятни амалга оширишни молиявий жиҳатдан таъминловчи манбаларнинг таҳлили юзасидан иқтисодчи олимларнинг фикр ва мулоҳазаларига тўхталадиган бўлсак, инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг бозор механизмларини назарий жиҳатлари қатор иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган. Масалан, проф. Я.Миркиннинг фикрига кўра[9], инвестицияларни молиялаштиришнинг реал, истиқболли шакли компанияларнинг жамғармаларини иккиламчи бозордан акциядорлик капиталига жойлаштиришни кўпайтириш ҳисобланади, аммо инвестицияларни молиялаштиришнинг манба даражаси жуда паст. Таниқли иқтисодчи олимлардан У. Шарп[10] ҳам инвестиция фаолиятини фонд бозори орқали молиялаштириш механизмига алоҳида эътибор қаратади. Унинг фикрига кўра, қимматли қоғозларнинг даромадлиги ва рисклилиги ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқага эга бўлган оқилона инвестицион стратегия инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг асоси ҳисобланади. Молиявий воситачилар (тижорат банклари, жамғарма ва кредит уюшмалари, кредит иттифоқлари, суғурта компаниялари, ўзаро ёрдам фондлари, пенсия фондлари) эса, корпорацияларни фонд бозоридан қўшимча маблағлар жалб қилиш имкониятини билвосита таъминлайди. Фикримизча, Я.Миркиннинг фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштириш механизми хусусидаги фикри алоҳида илмий-амалий аҳамият касб этади. Бунинг боиси шундаки, кўпчилик МДХ мамлакатларида корпоратив акция ва облигацияларга қилинадиган инвестицияларнинг риск даражаси юқорилиги ва инвесторлар ишончининг пастлиги фонд бозорининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган асосий сабаблар эканлиги қатор илмий изланишларда ўз ифодасини топган. У.Шарпнинг инвестицион фаолиятни молиялаштиришда молиявий воситачиларнинг роли хусусидаги фикрига мувофиқ, улар инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг фаол субъектларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар иқтисодчи олимларининг инвестициялар ва инвестицион фаолиятни амалга оширишни молиявий жиҳатдан таъминловчи манбаларнинг таҳлиliga бағишланган илмий асарлари ўрганилган. Тадқиқот методологияси сифатида адабиётларнинг қиёсий таҳлили ва фаразни асослаш усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Таҳлилларимизнинг кўрсатишича, республикамиз иқтисодиётининг хусусий секторида инвестицион фаолиятни молиялаштириш тизими такомиллашиб, инвестициялаш шакл ва манбаларининг кўпайиши кузатилмоқдаки, бу ҳолатни ижобий тенденция сифатида баҳолаш лозим. Шуни эътиборга олиб, бозор муносабатлари шароитида инвестицион фаолиятни амалга ошириш ва ривожлантиришнинг асосий, қулай шарт-шароитлари, фикримизча, қуйидаги, яъни:

- инвестицион фаолиятни амалга оширишни молиявий жиҳатдан таъминловчи манбаларнинг сезиларли даражада кўпайиши;
- хусусий капиталнинг давлат капитали устидан устуворлигининг ошиб бориши;

- инвестицион фаолиятда иштирок этувчи мулкчиликнинг турли шаклидаги хўжалик юритувчи субъект ва объектлар сонининг муттасил ўсиш суръатига эга бўлаётгани;

- бўш турган пул маблағларини жамлаш ва уларни инвестицион фаолиятга жалб қилиш орқали инвестициялар билан боғлиқ талаб ва таклифни мувофиқлаштирадиган инвестицион бозорнинг шаклланиши, шунингдек унинг институтларини ташкил қилиш жараёнининг ривожланаётганлиги каби йўналишларда ўз ифодасини топмоқда.

Ушбу жараёнлар тадрижий йўл билан босқичма-босқич равишда инвестиция капиталини шакллантириш тизимини мулкчилик шакли ва молиялаштириш манбаларига мос ҳолда такомиллаштириб бориш учун катта имкониятлар яратади деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга инвестиция капитални таркиби ва инвестициялаш субъектлари ташкилий тузилмаларининг бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ўзгариши инвестицион фаолиятни жадаллаштириш ва диверсификациялаш жараёнини янада такомиллаштириш борасида қулай шарт-шароитлар яратиши табиийдир. Давлатнинг инвестицион фаолиятни амалга оширишдаги иштирокининг пасайиши ўтиш даврида инвестицион фаолият турларига жалб этиладиган давлат даромадлари ҳажмининг камайиши оқибатида юз беради. Демак, иқтисодиётнинг устувор, айниқса реал тармоқларини давлат бюджети ҳисобидан инвестициялаш талабларининг пасайиб бориши молиялаштириш билан боғлиқ муаммоларни хусусий сектор орқали ҳал этиш мумкинлигини объектив ҳақиқатга айлантиради. Бироқ, ҳозирча хусусий сектордаги корхоналар, банклар ва аҳолининг молиявий ресурслари кўпайиш тенденциясига эга бўлишига қарамасдан, уларнинг жорий мавжуд имкониятлари инвестицион фаолиятдаги барча муаммоларни ҳал этиш учун етарли эмас.

Давлат бюджети ҳисобидан инвестицион фаолиятни амалга оширишда устувор тармоқларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қисқариши давлат инвестиция сиёсатининг эътибори хусусий тузилмалар: корхоналар, банклар ва аҳоли зиммасига кўчишини шарт қилиб қўйиши табиийдир. Бироқ, ҳозирча хусусий сектордаги инвестицион фаолият субъектлари миқдори ва сони ортганига қарамай, уларнинг инвестицион фаолиятлардаги ўрни ва мавқеи давлатнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнини боса олмайди.

Мулкчилик шакллари ўзгариб бориши билан инвестицион фаолиятни молиялаштиришдаги давлат манбалари ўрнини тобора турли-туман хусусий инвестицион манбалар эгаллаб бориши, бу эса инвестицион фаолиятни кенг кўламда номарказлашувига ва пировардида, инвестицион фаолият кўлами ва самарасининг ортишига олиб келиши лозим. Бугунги кунда бу ҳолат асосан давлат мулкни хусусийлаштириш ҳисобига амалга ошмоқда ва натижада инвестиция фаолияти молиявий захира имкониятларини шакллантириш муаммоси юзага келди.

Ушбу муаммога оид иқтисодиёт инвестиция-молия ресурсларининг реал, даставвал ишлаб чиқариш секторидан тараққий этириш каби муҳим жиҳатларини ажратиш мумкин. Ишлаб чиқариш инвестицияларини молиялашнинг барча мавжуд имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш шарт-шароитларини тадқиқ

этиш бозор шароитида инвестиция фаолиятини молиялашнинг ички ва ташқи манбалари тузилмаси ва мута-носиблигининг ўзгариши билан боғлиқ.

Иқтисодий адабиётларда ички инвестиция манбалари ҳисобига миллий манбалар, шу жумладан корхоналарнинг ўз маблағлари, молия бозори ресурслари, аҳоли жамғармалари, бюджетдан ажратиладиган инвестиция маблағлари тилга олинади. Хорижий инвестициялар, кредит ва заёмлар ташқи манбалар деб ҳисобланади. Ушбу тасниф ички ва ташқи манбалар тизимини уларнинг шаклланиш ҳамда умуман миллий иқтисодиёт даражасида қўллаш нуқтаи назаридан акс эттиради. Бироқ, у мазкур жараёнларни макроиқтисодий даражада таҳлил қилиш мақсадида қўлланиши мумкин эмас.

Зотан, нисбийлик нуқтаи назаридан корхона (фирма) даражасида бюджет инвестициялари, кредит ташкилотлари, суғурта компаниялари, нодавлат нафақа ва инвестиция фондлари ва бошқа шу каби инвесторларнинг маблағлари ички эмас, балки ташқи манбалар ҳисобланади. Шунингдек, корхонанинг ташқи молиявий манбалари бўлиб, аҳолининг инвестицион фаолиятга йўналтириши мумкин пул жамғармалари ҳам ҳисобланади. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида инвестицион фаолиятни молиялаштириш тизимининг аста-секин нодавлат сектори зиммасига ўзгариши ўз навбатида хусусий, жамоа, қўшма корхоналарни ташкил қилиш ва ривожлантириш ҳамда инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбаларининг таркибий таснифига ҳам катта таъсир кўрсатади. Масалан, хусусий ёки жамоа мулки бўлган корхоналар учун корхона эгаларининг шахсий жамғармалари ички манба вазифасини ўташи мумкин. Хорижий фирмалар билан биргаликда улушли эгалик қилинаётган корхоналар учун хорижий мулкдорнинг инвестициялари мазкур корхона учун ички манба деб қаралади. Демак, бозор муносабатлари тараққий этиб боргани сари корхоналарнинг инвестицион фаолиятини молиявий таъминлаш манбалари ҳам тобора ранг-баранг бўлиб бораверади.

Хулоса ва таклифлар

Шундай қилиб, макроиқтисодий ва микроиқтисодий даражада инвестицион фаолиятни молиявий таъминлашнинг ички ва ташқи манбалари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбаларининг классификацияси (таснифи)га аниқлик киритиш зарурати инвестициялашнинг бозор моделига ўтиш жараёнидаги объектив ўзгаришлар, инвестицион жараёнларда давлат ва корхоналар функцияларининг тақсимланиши, инвестиция бозори, шунингдек асосий вазифаси сармояларни жамлаш, сўнг уларни тадбиркорлик фаолиятига жойлашдан иборат бўлган институтлар тизимининг тараққиётига боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда инвестицияларни молиявий таъминлаш манбаларининг таҳлили шундан далолат берадики, умумий инвестиция харажатлари ҳажмида ички манбалар улуши турли мамлакатларда кўплаб объектив ва субъектив омилларга боғлиқ равишда жиддий фарқланиб туради. Иқтисодий адабиётларда ғарб мамлакатларида инвестицияларнинг ички ва ташқи манбалари ўртасидаги нисбат турлича баҳоланади.

Республикамиз иқтисодиётининг хусусий секторида инвестицион фаолиятни молиялаштириш тизими такомиллашиб, инвестициялаш шакл ва манбаларининг кўпайиши кузатилмоқдаки, бу ҳолатни ижобий тенденция сифатида баҳолаш лозим.

Шуни эътиборга олиб, фикримизча бозор муносабатлари шароитида инвестицион фаолиятни амалга ошириш ва ривожлантиришнинг асосий, қулай шарт-шароитларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- инвестицион фаолиятни амалга оширишни молиявий жиҳатдан таъминловчи манбаларнинг сезиларли даражада кўпайиши;
- хусусий капиталнинг давлат капитали устидан устуворлигининг ошиб бориши;
- инвестицион фаолиятда иштирок этувчи мулкчиликнинг турли шаклидаги хўжалик юритувчи субъект ва объектлар сонининг муттасил ўсиш суръатига эга бўлаётгани;
- бўш турган пул маблағларини жамлаш ва уларни инвестицион фаолиятга жалб қилиш орқали инвестициялар билан боғлиқ талаб ва таклифни мувофиқлаштирадиган инвестицион бозорнинг шаклланганлиги, шунингдек унинг институтларини ташкил қилиш жараёнининг ривожланаётганлиги каби йўналишларда ўз ифодасини топмоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишда инвестиция сиёсатининг таъсирини янада кучайтиришга қаратилган қўйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Мамлакат иқтисодиётига сарфланаётган инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш, технолгик, тармоқ, минтақа, молиялаштириш манбалари, мулк шакллари таркибларини такомиллаштириш мақсадида иқтисодиётни модернизациялаш жараёнларини янада чуқурлаштириш учун инвестицион фаолликни ошириш зарур.

2. Хомашё, ярим фабрикатлар билан тугалланган тайёр, қўшилган қийматни ўзида мужассамлаштирган истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ўртасидаги нисбатни юқори технологияли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига ўзгартириш мақсадида инвестицияларни капитал сиғимкорлиги юқори бўлган тармоқлар (ёқилғи энергетика, металлургия ва кимё саноати)дан қайта ишлаш тармоқларига устун даражада йўналтириш;

3. Корхоналарнинг инвестицион фаоллигини ошириш учун уларнинг молиялаштириш манбалари ва имкониятларини бозор муносабатларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган банк кредитлари, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан кўпайтириш.

4. Аҳолининг жамғармаларини банк тизимига бўлган ишончни кўпайтириш асосида инвестицион фаоллигини янада ошириш. Кичик бизнес корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, модернизациялаш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида банк кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, уй-жой қурилиши, оилавий тадбиркорликни кредитлашни рағбатлантириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. -80 б

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, халқ сўзи 2017 йил 22 декабрь.

3. Ғозибеков Д.Г. «Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари», иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 2002 й., 24 б.
4. Инвестиции: Учебник /С.В.Валдайцев, П.П. Воробьев и др.; Под ред. В.В. Ковалева, В.В. Иванова, В.А. Лялина. –М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2003. С.17
5. Мелкумов Я.С. Инвестиций: Учебное пособие. –М.: ИНФРА-М, 2003. С.8.
6. Кузиева Н.Р.Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар молия ва кредит механизмини такомиллаштириш. йўналишлари.Монография.Т.;”IQTISOD-MOLIYA”,2006,16-бет.
7. Иванов Г.И. Инвестиции: сущность. Виды, механизмы функционирования /Серия «Учебники, учебные пособия», Ростов н/Д: Феникс, 2002. С.24-25.
8. Аладьин В.В. Инвестиционная деятельность субъектов Российской Федерации. /В.В. Аладьин. –М: Социум, 2002. С.17.
9. Жураев ва бошқ. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Ўқув қўлланма /Муал.:А.С.Жураев, Д.Ю. Хужамқулов, Б.С. Маматов; Акад. М.Шарифхужаев таҳрири остида.-Т.: «Шарқ», 2003. 18 бет.
10. Игошин Н.В. Инвестиции. Организация управления и финансирование: Учебник для вузов. 2-е изд., перераб. и доп. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.С.81
11. Инвестиционная деятельность: Учебное пособие /Н.В. Киселева, Т.В. Боровикова, Г.В. Захарова и др.; Под ред. Г.П. Подшиваленко и Н.В. Киселевой. –М.: КНОРУС, 2005. С.12-13.
12. Жданов В.П. Инвестиционные механизмы регионального развития. – Калининград, БИЭФ, 2001. С.121.
13. Хайдаров Н. «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари», иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т., 2003 й., 14-15 б
14. Миркин Я. Рынок ценных бумаг России: воздействие фундаментальных факторов, прогноз и политика развития. – Москва: Альпина Пабlishер. 2002. – С. 117.
15. Шарп У. идр. Инвестиции. Пер. с англ. – М. ИНФРА-М, 2001. – С. 9-10.